ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА СКРИПТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Б. ТОЛИПОВА

В статье рассматривается когнитивная структура – скрипт. Анализируются особенности скриптов в различных языках.

This article covers cognitive structure – script and analyses differences between them in various languages.

Ўтган асрнинг 50-йилларида когнитивизм умумилмий йўналиши асосида когнитив лингвистика вужудга келган бўлиб, бунда инсон ахборотни қайта ишловчи система сифатида ўрганилади. Маълумки, ҳар қандай ахборот инсонларга тил ёрдамида берилади, инсон онги уни қабул қилади, қайта ишлайди, сақлайди ва сўнгра нутққа татбиқ этади. Ушбу жараён асосида инсон онгида ҳосил бўлган маълум бир муаммо ўз ечимини топади. Бундай муаммоларни ҳал қилиш бевосита тил билан боғлиқлиги сабаб когнитивистларнинг ҳам диққатини тил эгаллади.

Когнитивизмда асосий муаммо онг ва интеллект моделларини ишлаб чиқиш ва уларни таҳлил қилиш экан, когнитив тилшунослик намояндаларининг вазифаси турли когнитив қолипларни атрофлича ўрганиб чиқиш ҳисобланади.

Ҳар бир халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, моддий ва маънавий бойликлари бўлгани каби ўзбек халқининг ҳам ўзига хос қадриятлари мавжуд. Авлодлардан авлодларга етиб келаётган азалий қадриятларимиз асосини ташкил этувчи тилимиз доимий ривожланишда бўлиб, кундалик ҳаётимизда биз унга кўп маротаба мурожаат қиламиз. Юз бераётган ҳар бир ўзгариш, қилинаётган янги кашфиётларнинг барчасида унинг бениҳоя хиссаси бордир. Бизга яхши маълумки, инсон умрининг илк давриданоқ тил унга хизмат қилади. Янги олинаётган ахборотни ўзлаштириш, у ҳақдаги фикрларни бойитиш учун ҳар бир киши ўз имкониятлари даражасида ундан фойдаланади. Олам ҳақидаги ҳар қандай тасаввур бевосита тил орқали берилишига кўра биз тилшуносликни когнитив фанлар (оламни англовчи) қаторига қўямиз. Борлиқни ўрга-

ниш инсоннинг дунёқараши, миллати, жинси, касби ва ёшига кўра хилма-хил кечади. Оламда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа ё ҳодисага инсон ўз имкониятлари асосида ёндашади.

Когнитив тилшуносликда оламни англаш учун хизмат қилувчи қолиплар ажратилиб, ула ҳақидаги фикрлар хилма-хилдир. Масалан Ю.Н.Караулов *“образ”, “гештальт”, "символ", “формула”, "схема", "фрейм", "пропозиция", "'картина", "диаграмма", "сўз"* ларини киритган бўлса,' Румельгарт *«скрипт», «сценарий»,* Филмор *"когнитив мода",* Жонсон Лейрд *"мента: модел",* Ван Дейк *«ситуация модели»* кабиларни киритиб бойитишади. Ушбу структуравий бирликлар қанчалик бир-бирларидан фарқ қилишларига қарамасдан умумий хусусиятга эга, улар тафаккурда тўпланаётган ва сақланаётган ахборот қисмларини сақловчи "қутича" лардир [1.33].

Оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришда биз бир неча когнитив қолиплар билан иш кўрамиз. Кўринадики, ҳар қандай ахборот инсон онгига ё фрейм, ё скрипт, ё сценарий ёки гештальт каби қолипларда жойланар экан. Берилаётган ахборотни қайси қолипда онгга кодлаштириш инсоннинг идрок қила олиш имкониятига кўра амалга оширилади. Ёш болаларда у кўпроқ фреймлар орқали бажарилса, инсон билимлари такомиллашгани, маълумотнинг кўпайгани сари шунча катта қолипларга мурожаат қилиниши кузатилади.

Скриптлар ҳақида сўз борганда, авваламбор, улар фан оламига ўтган асрнинг 70-йилларида Роберт Шанк ва Роберт Абелсонлар томонидан киритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шанк ва Абелсонлар скриптга қуйидагича таъриф берадилар: "скрипт таркибига кирувчи воқеаларнинг сабаб-оқибат муносабатлари асосида тизимли боғланиши, кетма-кетлиги ва шу воқеаларнинг стереотип такрорланувчанлик хусусияти унинг асосий тавсифий белгисидир" [4.53].

Уни бошқа тилшунослар қуйидагича таърифлаганлар:

– Скрипт стереотип ситуацияга асосланган воқеалар кетма-кетлигидир[2.255].

– Натижаси маълум бўлган воқеалар кетма-кетлигидир[3.9].

Ушбу таърифларга кўра биз скриптга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин. Скрипт – воқеа-ҳодисаларнинг меъёрий кетма-кетликда инсон онгида акс этиш намунаси ҳисобланади. Скриптлар маълум система асосида воқеа-ҳодисаларни бир нуқтада бирлаштиради. Уларни воқеа ва ҳодисанинг намунавий шакли деб аташимиз мумкин. Ушбу намунавий шакл асосида ҳар бир шахс ўзгача воқеликни содир қилади. Масалан “тўй” макроскрип-тидаги воқеалар барчага тенг, аммо улардан ҳар бир шахс ўз хоҳишига, имкониятларига кўра фойдаланади. Мана шу жараён сценарий ҳисобланиб, у ҳаммада ҳар хил кечади.

Инсон ҳаёти давомида оламни идрок этиб борар экан, оламдаги воқеликларни маълум кетма-кетликда, тизимлаштирилган ҳолда ўз онгига кодлаштиради ҳамда вақт ўтиши билан уни мунтазам равишда бойитиб боради. Ҳаётимизда бизга бир неча скриптлар намоён бўлади. Уларни биз урф-одатга ҳамда кундалик яшаш тарзимизга асосланган скриптларга ажратишимиз мумкин. Урф-одатга асосланган скриптлар фақат алоҳида халққагина хос бўлиб, бошқа халқларда у кузатилмаса, касбни ифодаловчи скриптлар барча тилларда қисман бир-бирига мос келиши мумкин.

Тўй, мотам, байрамлар скриптларини оладиган бўлсак, буларнинг барча халқларда ўзгача азалий қадриятларда ўз аксини топишини кузатамиз.

Касбни ифодаловчи скриптларда урф-одат билан боғлиқ бўлган скриптларга нисбатан миллатлар орасида катта ўзгаришлар кўринмайди. Масалан, маориф, медицина скриптларини ташкил этувчилари умумийликка асосланади. Ҳар қандай тилда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат дарсга тайёргарлик, эски мавзунинг такрори, янги мавзунинг баёни, мустаҳкамловчи машқларнинг бажарилиши, уйга вазифанинг берилиши, баҳолаш, тиббиётда эса беморнинг текширувлардан ўтиши, унга диагноз қўйилиши, даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши каби жараёнлар деярли бир хилдир. Аммо урф-одат билан боғлиқ скриптлардаги хилма хиллик бир миллатдан бошқасига мос келмайди. Мотам макроскриптини олайлик. У бизнинг халқимизда бир неча микроскриптлардан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида инсон вафоти, жаноза маросими, пайшанбалик, марака, йигирма, қирқ, эллик икки, ҳайит, йил оши каби бир қатор маросимларни бирлаштиради. Мотам макроскриптини ташкил қилувчи микроскриптлар ҳам ўз навбатида атрофига бир неча лексемаларни бирлаштиради. Масалан, *инсон вафоти* юрак уришининг секинлашуви, васият қилиш, жоннинг узилиши; *жаноза маросими* майит, майитни ювиш, кафанлаш, тобутга солиш, хайрлашиш, жаноза ўқиш, қабристонга бориш, жасадни кўмиш, фотиҳа ўқиш; *пайшанбалик, марака, йигирма, қирқ, эллик олти, йил ва ҳайит ошлари*да асосан фотиҳа ўқиш, ош тайёрлаш, келганларни меҳмон қилиш каби лексемалар фақат ўзбек халқигагина маъно англатиб, бошқа халқ вакилларида у ҳақидаги тасаввурни янглиш акс эттириши мумкин. “Ош” лексемаси барча бошқа тил вакилларда яхши кайфият, байрам, тантана каби маъноларни ифодалаши туфайли, уни ҳеч қачон

мотам скрипти билан ёнма-ён қўймасликлари аён. Аммо ўзбек халқидаги ўтган инсон хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маросимларда тайёрланадиган таом марҳумнинг эсланиши, унинг ҳаққига дуо ўқилиши ҳамда шу билан унга бўлган ҳурматни ифодалайди. Бу каби уникал скриптлар бошқа миллатлардаги мотам скриптларида эмас, балки тўй ёки байрам скриптлари қаторида туриши кузатилади. Ҳатто бир миллатга мансуб бўлсак-да, водий ёки воҳа аҳли ўртасида ҳам бир қатор тафовуфларга дуч келамиз. Масалан "кўк кийди" водийда мотам маъносини англатиб, азадан чиқиш эса оқ кийиш билан ифодаланса, республикамизнинг бошқа қисмида айнан оқ кийиш, оқ рўмол ўраш аза очилганлиги тўғрисида маълумот беради.

Когнитив тилшуносларнинг фикрига кўра, англаш жараёнлари турли инсонларда турлича кечади. Масалан, "*мустақиллик байрами*" тушунчасини олайлик, у ҳар хил ёш вакилларида бир қатор:

- мустақилликнинг нақадар қадрли эканлиги,
- мустақиллик йўлидаги қурбонлар,
- содир этилган ноҳақликлар,
- мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар,
- келажакка ишонч,
- байрам, тантана, хурсандчилик

каби фикрларни ўз атрофида тўплайди. Лекин барча инсонларда бу берилган ахборотниннг ҳаммаси намоён бўлмайди, инсон онгида мустақиллик билан боғлиқ бўлган маълумотнинг қай даражада катталигига кўра ушбу фикрларнинг айримлари унинг онгида акс этса, бошқалари акс этмаслиги мумкин. Масалан, 5-10 ёш атрофидаги болаларда у фақатгина байрам, тантана тушунчасини англатиши, катталарда эса у билан боғлиқ бўлган яна бошқа маълумотлар ҳам берилиши кузатилади.

Кўринадики, халқлар, шахслар онгидаги номутаносибликлар воқеа-ҳодисалар ҳақида янглиш тасаввурни ҳосил қилиши мумкин. Инсон онгида берилаётган янги ахборот ҳақидаги мавжуд маълумот қай даражада кўп бўлса, демак, ўзлашаётган билим ҳам шу даражада мукаммал бўлади, яъни янги билимни ўзлаштиришга онгимиз қай даражада тайёр бўлиши муҳимлик касб этади. Шунинг учун олам лисоний манзарасининг онгимизда акс этиш жараёнида олам ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш кераклиги билан бирга, ушбу тасаввурни йиллар давомида бойитиб бориш фойдадан ҳоли эмас.

Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.- Жиззах: Сангзор, 2006
2. Field J. Psycholinguistics: The Key Concepts. – London and New York: Routledge, 2004
3. Stockwell P. Shema Theory: Stylistic Applications // Encyclopedia of Language and Linguistics. – Elsevier, 2006. – Vol.11
4. Уолдроп М.М. Разум сделанный человеком. Перспективы исскуственного интеллекта // Когнитивная наука и интеллектуальная технология.- М., 1991

Андижон давлат университети
2012 йил 12 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)